





# «ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»

## ДАВЛАТ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

**Азиз Ватандошларимизни кириб келаётган муборак Йўл Рамазон ҳайити ва Янги йил билан муборакбод этади.**

*Саноқли кунлардан кейин инсоният янги асрга, бинобарин янги мингйилликка қадам қўяди.*

*Жонажон Ўзбекистонимиз эса ўз мустақиллигининг ўн йиллик тўйини нишонлайди. Ана шу қисқа давр ичида Ўзбекистонимиз ўз миллий ва маданий қадриятларини тиклади, мустақил тараққиёт йўлига юз тутди. Шу жумладан, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. Хорижий мамлакатлардан замонавий автобус, троллейбус ва трамвайлар келтирилди.*

*Тошкент метрополитенининг янги линиялари фойдаланишга топширилиш арафасида.*

*Биз бундан буюн ҳам ғайрат-шижоатни бўшаштирмай, юртдошларимизга транспорт хизмати кўрсатиш даражасини ошириб борамиз.*

*Халқимизни байрамлар билан қутлар эканмиз, ниятимиз шуки, Ватанимиз осмони ҳамيشа мусаффо бўлсин. Хонадонлардан қут-барака аримасин!*



### «МИР»ДА НОТИНЧЛИК

Россиянинг «Мир» космик станциясида жиддий муаммо пайдо бўлди. Душанба кuni соат 15 дан бошлаб Учишни бошқариш маркази билан орбитал станция ўртасида алоқа узилиб қолди. Уни тиклаш учун қилинган, бир кеча-кундуз давомидаги, барча уришишлар зое кетди.

Станция шу йилнинг ёздан буюн учувчисиз режимда парвоз қилаётган эди. Учишни бошқариш маркази мутахассислари унга суткада бир ёки икки марта сигнал юборишиб, жавоб олиб туришган эдилар. Бироқ 25 декабрь кuni алоқа тўсатдан узилди ва уни эртаси кунгача тиклашнинг иложи бўлмади.

Бошқариш марказига «Энергия» конструкторлик корпорациясининг бош конструктори Ю. Семёнов ва космик соҳанинг етакчи мутахассислари шошилинч равишда етиб келдилар. Агар станция бошқарувсиз қолса, уни океанга чўктириш учун махсус тайёрланган экипажни жўнатишга ҳолат қўлайди.

Маълумки, бу вазифани бажариш учун ўзбек ўғли Солижон Шарипов ва Павел Виноградов тайёрланган эдилар. Уларнинг вазифаси

«Мир» станцияси билан туташиб, унинг парвозини фазога йўналтиришдан иборат. Фақат шундан сўнггина станцияга «ПрогрессМ» космик танкери ни туташтириш мумкин ва 140 тонналик баҳайбат қурилмани бошқариб тушириш таъминланади. Акс ҳолда, «Мир» бошқарувсиз кулаб тушса, унинг аланга билан қопланиб, чўққа айланган минглаб парчалари (баъзиларнинг оғирлиги 700 килограммгача) шаҳарлардаги турар жойлар, атом станцияси ёки ядро заводлари устига тушиши мумкин. «Қутқарув» экипажи учун Бойкўнгирда «Союз» космик кемаси ва чиқарувчи ракета тахт қилиб қўйилган. Аммо бошқарувсиз қолган «Мир» станцияси билан туташиб экипаж учун ҳам жуда мураккаб иш ҳисобланади.

Эҳтимол, «Мир»га космонавтлар жўнатишга ҳолат бўлмас. Чунки сешанба кuni соат 15 да Бошқарув марказига орбитал станциядан сигналлар кела бошлади. Аммо, мутахассисларнинг қувончи узоққа чўзилмади. 7 минутдан сўнг алоқа яна узилиб қолди ва бир соатдан сўнггина уни тиклашга муваффақ бўлинди. Хуллас, фазодаги «Мир»да нотинчлик: алоқа гоҳ узилиб, гоҳ уланиб турибди.

■ **БОБО САРОЙ**

### ЖАЗО БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Хитой Ироққа ўн йил илгари жорий қилинган халқаро иқтисодий жазони тезда тўхтатиш тарафдори. Чунки бу жазодан биринчи навбатда бегуноҳ одамлар жиддий талофат кўрмоқда, деди ҳукумат вакили. Хабарларга қараганда, Хитой билан Ироқ ўртасида соғлиқни сақлаш, яъни халқаро жазодан талофат кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш борасида битим имзолаган.



### МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ

Япония ҳукумати Ангола ва Эритрея аҳолиси ҳамда ушбу мамлакатлардаги қочқинларга молиявий ёрдам ажратишга қарор қилди. Бунинг учун 1,36 миллион АҚШ доллари ажратилади. Бу маблағ БМТнинг қочқинлар иши бўйича олий комиссарлиги орқали ушбу мамлакатларга етказилади, деди ҳукумат вакили.

### ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Эронда 7-8 январь кунлари «Форс кўрфазини мақоми ва дунёвий ҳамкорлик» мавзусида халқаро анжуман ўтказилади. Унда йигирмадан ортиқ мамлакатдан вакиллар иштирок этиши кўтилмоқда. Талбир қатнашчилари икки кун давомида минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ва сиёсий муаммолар билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашади.

### АФВ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Судан Президенти Умар ал-Башир мамлакат миллий байрами — Мустақиллик кuni ҳамда Рамазон ойи якунланиши муносабати билан афв эълон қилди. Ушбу ҳужжатда оғир жиноят содир этмаган олти юз нафар маҳбуснинг озодликка чиқарилиши кўзда тутилади.

### ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Хитойнинг Хэнан вилояти Лоян шаҳридаги йирик бинолардан бирида кучли ёнғин рўй берди. Хабарларга кўра, оғат бинодаги барлардан бирида ёшлар ўйин-қулги ўтқазаётган пайтда содир бўлган. Натijaда уч юздан ортиқ одам нобуд бўлган.

Шифокорларнинг айтишича, одамларнинг кўпчилиги куюқ тутун ичида қолиб, бўғилиб ўлган.

### «КУТИЛМАГАН БАХТ»

Ўтган кuni АҚШда кўёш тутилди. Бунинг Мавлуд байрамига тўғри келгани эса америкаликлар учун кутилмаган воқеа бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўёш тутилишининг Мавлудга тўғри келиши жуда ҳам кам кузатиладиган воқеадир. Бундай ҳолат сўнгги бор 1954 йилда Африкада юзга келган. Америкада эса 1666 йилда содир бўлган. Тахминларга кўра, навбатдаги бундай тўқнаш келиш 2307 йилнинг декабрида яна Африкада юз бериши мумкин.

### ВАЗИРНИНГ ФИКРИЧА...

Покистон ички ишлар вазири Моиниддин Ҳайдар мамлакатда террорчилик ҳаракатлари содир этган жиноятчиларнинг кўпчилиги ҳозир Афғонистоннинг толиблар назоратида бўлган ҳудудда яшириниб юрганини айтди. Шу сабаб, расмий Исломобод «Толибон» маъмуриятдан бундай жиноятчиларни тўғри беришни талаб қилишда давом этади, деди вазиr. Унинг айтишича, ҳозир Покистонда қидирувда бўлган жиноятчиларнинг олти миш нафари Афғонистонда яшамоқда.

■ **ЎЗА**

### ПОРТЛАШЛАР ҚОРАЛАНДИ

Индонезия Президенти Абдурахмон Воҳид мамлакат пойтахти ва бошқа бир неча шаҳарларда содир этилган портлашларни қоралаб, жиноятчиларнинг асосий мақсади мамлакатда беқарорлик келтириб чиқариш эканини айтди. Ушбу жиноятни уюштирганлар тезда аниқланади ва уларга қарши кескин жазо қўлланади, деди президент.

Хабарларга қараганда, ўтган кuni Жакарта ва яна олти шаҳарда кучли портлашлар содир этилган. Бундан 14 одам ҳалок бўлган ва юзга яқин одам жароҳатланган.

## «ГАНСВАУСАН» ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ

ҚўШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Келажаги буюк Ватанимизнинг барча фуқароларини муборак

Ийд Рамазон ҳайити ва янги 2001 йил –

XXI аср билан самимий муборакбод этади!

Маълумки, орта қолаётган 2000 йилда мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилди.

Дарҳақиқат, жорий йилда корхонамиз жамоаси томонидан жаҳон тиббиёти тарихида биринчи мартаба йод қўшилган, ҳар хил хушбўй мевалардан тайёрланган сақичлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ундан ташқари, янги йилга атаб «Қорбобо» деб номланган сақичлар туркумини ишлаб чиқармоқдамиз.

Янги йилда жаннатмакон юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир оиласида тинчлик, фаровонлик бўлишини тилаймиз!

Азиз юртдошлар! Барчамизга мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги сазй-ҳаракатларимизда Оллоҳдан ўзи мададкор бўлишини сўраймиз!

ГАНСВАУСАН  
ҚўШМА КОРХОНАСИ  
ЖАМОАСИ



## «ЎЗБЕКМЕБЕЛЬ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизнинг барча халқини 2001 йил — Янги аср билан муборакбод этади. XXI аср ҳар биримизнинг хонадонимизга тўкин-сочинлик, бахт-иқбол келтирсин. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида тинчлик ва барқарорлик абадий бўлсин. «Ўзбекмебель» ва унинг барча корхоналари жаҳон андозалари асосидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариб, халқимиз хизматида бўлиб қолишига ишонтирамыз. Шундай улғу кунларга Сизга маҳсулотларимиз манзур бўлишидан мамнунмиз. Сизнинг хизматингизга чоғланиш биз учун шараф ва қувончдир.



«O'zplodovoshviniyrom holdinq» AQ "Shahrisabz-konserva"  
ТОМАТ МАРИНОВАННЫЙ  
MARINADLANGAN TOMAT



## «ШАХРИСАБЗ-КОНСЕРВА»

очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини

Ийд Рамазон байрами,

кириб келаётган Янги 2001 йил ва

учинчи мингйилликнинг бошланиши билан самимий табриклайди.

Янги йил, янги аср қадами мустақил юртимизга ва унинг ҳар бир хонадонига қутлуғ ва саодатли бўлсин!

2001 йилда юртимиз миришкорлари хирмониға барақа, меҳнаткашларига зафар ёр бўлсин!

«Шахрисабз-консерва»

ОТХЖ жамоаси

«O'zplodovoshviniyrom holdinq» AQ "Shahrisabz-konserva"  
СОК ЯБЛОЧНЫЙ НАТУРАЛЬНЫЙ  
TABIIY OLMA SHARBATI



«O'zplodovoshviniyrom holdinq» AQ "Shahrisabz-konserva"  
ПОВИДЛО АЙВОВОЕ  
BENI QIYOMI



«O'zplodovoshviniyrom holdinq» AQ "Shahrisabz-konserva"  
ИКРА ИЗ КАБАЧКОВ  
SOVOCCHA IKRASI



«O'zplodovoshviniyrom holdinq» AQ "Shahrisabz-konserva"  
ПЮРЕ ТРУШЕВОЕ  
NOK PYURESII




«O'zplodovoshviniyrom holdinq» AQ "Shahrisabz-konserva"  
АБРИКОСЫ В ЯБЛОЧНОМ СОКУ  
OLMA SHARBATI O'RIK



«O'zplodovoshviniyrom holdinq» AQ "Shahrisabz-konserva"  
СОК ЯБЛОЧНЫЙ НАТУРАЛЬНЫЙ  
TABIIY OLMA SHARBATI



«O'zplodovoshviniyrom holdinq» AQ "Shahrisabz-konserva"  
САЛАТ ОВОЩНОЙ ЗАКУСОЧНЫЙ  
GAZAKI SABZAVOTI SALATI



# «ОСИЁ – ВЕСТ»


ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ — ИСРОИЛ

қўшма корхонаси

Серқуёш ўлка фуқароларини муборак Йил Рамазон ҳайити, Янги йил ва Янги асрнинг кириб келиши муносабати билан чин кўнгилдан муборакбод этади. Янги аср ҳамкорлик, ҳамдўстлик асри бўлиб қолишига ишонамиз. Энциклопедия Ўзбекистон бутун олам учун ўз дарвозасини очди. Ватанимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топди, жаҳон сиёсатида обрў-эътибор қозонди. Хорижий шериклар ҳам кўпайди. Қатор қўшма корхоналар шу ҳамкорлик мевасидир.

Юртдошларимизни байрам билан қутлар эканмиз, Ватанимиз тинч бўлсин. Халқимиз турмуши фаровон, дастурхони тўкин бўлсин!

Yangi yil bilan!



## «ЎЗТЕМИРЙЎЛМАШТАЪМИР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВАЗ ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Серқуёш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини муборак Рамазон ҳайити, Янги аср ва янги мингйилликнинг бошланиши муносабати билан қизгин муборакбод этади!

Ўзининг юз йиллик тарихига эга жамоамиз республикамиз оғир саноати ривожига катта ҳисса қўшиб келаётир. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг ҳаракат таркибларини таъмирлаш ва уларга зарур заҳира қисмлар етказиб бериш билан бирга хорижий давлатларга ҳам маҳсулот сотмоқдамиз. Биз иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлида ҳаракат қилаверамиз.

Байрамингиз кутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

UZMAL  
OIL

## «ЎЗМАЛОЙЛ» ЎЗБЕКИСТОН – МАЛАЙЗИЯ

қўшма корхонаси жамоаси


Барча  
Ватандошларимизни  
муборак Йил Рамазон  
ҳайити ва кириб  
кеलाётган Янги йил  
билан самимий  
қутлайди.

Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгач, гуркираб ривожланмоқда. Бизнинг қўшма корхонамиз ҳам истиқлол фарзандидир. Қўшма корхонамиз хорижий шерикларимиз билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат кўрсатиши сифатини яхшилаш борасида муайян ютуқларга эришди. Ҳайитимиз, янги аср, янги мингйилликда Ватанимиз янада гуркираб ривожланади. Шу азиз Ватанда яшаётган инсонларни қутлар эканмиз, ҳар бир оилادا, ҳар бир гўшада тинчлик, барқарорлик ҳукм сурсин. Дастурхонидан тўкинлик аримасин!

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

республикадаги барча касбдошларини,  
шу билан бирга мамлакат аҳлини кириб  
келаётган 2001 йил, шом маънода айтадиган  
бўлсак, XXI аср оstonасига қадам қўйиши  
барҳамизга насиб этаётгани билан  
йил дилдан қутлайди.

Эмишкн, асрдан асрга ўтишда хислат кўп экан.  
Илоҳим, Ер юзи аҳли қалбини фақат яхшилик,  
одамийлик, самимийлик ҳислари йулгаб олсин!  
Шу ҳислар ила хонадонлар нуфусига тўлсин!



Янги 2001 йил билан!



**«Сурхон Ажанта Лимитед»**  
қўшма корхонаси  
Ўзбекистон халқини  
муборак Йўл Рамазон  
ва кириб келаётган  
Янги аср билан табриклаб,  
янги зафарлар ва  
соғлиқ тилайди!

СУРХОН  
АР

сурхан аджанта фарма лимитед



## САМАРҚАНД «АВТОТЕХХИЗМАТ»

**ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛАР УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**

республика халқини уч муборак айём — Йўл Рамазон, янги 2001 йил ва янги аср қўшалоқ келиши муносабати билан чин юракдан табриқлайди. Келгуси аср — юқори технология асридир. Демак, автомобиллар асри ҳам. Бу — манзилнинг узоғи бўлмайди дегани. Алҳол, манзилларни яқинлаштириш кўнгилларни яқинлаштиришидир.

Илоҳим, янги асрда кўнгиллар кўнгилларга пайваста бўлсин.

Барча яхши ниятлар уларга эш бўлсин.

Тинчлик, тотувликдан фақат бунёдкорлик, тараққиёт, фаровонлик туғилади.

Шу фаровонлик ҳар бир оилаю хонадонни ҳеч қачон тарк этмасин!



## «ЛИМОНЧИЛИК»

**хўжалиғи жамоаси**

Барча  
юртдошларимизни  
муборак Йўл Рамазон  
хайити ҳамда

Янги 2001 йил

билан  
чин қалбдан  
муборакбоғ  
этағи!

XXI аср эзеуликлар, себинчу саодатларга бой бўлсин.

Янги йил юртимизда тинчлик-тотувлик,  
меҳр-муҳаббат, саломатлик ва фаровонлик  
йили бўлиб қолсин.

Яратганнинг ўзи серқуёш Ўзбекистонимиз  
мусаффо осмони узра тинчлик ва хотиржамликни  
бир умрга ато этган бўлсин!



**«ЛИМОНЧИЛИК»**  
хўжалиғи жамоаси



## «QIBRAY-KOOPSAVDO»

**акциядорлик**

**жамияти жамоаси**

Барча юртдошларимизни муборак Йўл  
Рамазон хайити ҳамда янги 2001 йил  
билан самимий муборакбоғ этағи.

Ҳадемай буюк Воқеа ва кашфиётларга  
бой XX аср билан хайрлашиб, янги асрни  
зўр шодуёналар билан кутиб оламиз.

Улуғ ва унутилмас Воқеа арафасида  
бутун Ўзбекистон халқига  
ўз табригимизни йўллаймиз.

XXI аср ҳар бир инсон учун бахт-иқбол,  
саодат ва тараққиёт асри бўлсин!

Янги мингйилликка ёруғ юз ва юксак орзулар  
билан кириб боришимизда Яратганнинг ўзи  
бизга мадақкор бўлсин!



**«QIBRAY-KOOPSAVDO»**  
АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

# «ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ»

ОҒИҚ ТУРДАГИ ХИССАДОРАЛИК ЖАМЎИЯТИ ЖАМОАСИ

Ҳуртилизда истиқомат қилаётган барга фуқароларни муборак Ўғ Рамазон ҳайити, Янги йил, Янги аср билан самимий қўтлайди! Истиқлол тўғриси санъатимиз ривожланмоқда. Хусусан, корхонамизни олайлик. Кейинги йилларда корхонамиз тўғрисидаги етакчи жамоалардан бирига айланди. Ушбу технологияни ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этиш, изланувчанлик, ташаббускорлик ўз натижасини бераётди. Янги цехлар бунёд этилди. Замонавий технологик линиялар ўрнатилди. Айниқса, тозаланган ёғни полиэтилен идишларга қўйиш цехи ишга туширилганлиги қувонарли бўлди. Бугун янги мингйиллик бўсағасида туриб, Ўзбекистон аҳолисига тинчлик ва соғлиқ тилаймиз. Ишонгимиз комилки, XXҒ аср бундан жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асри бўлиб қолажак. Ҳуртошларимизнинг хонадони тинч, дастурхони тўғри, ҳаёти фаровон бўлсин!

Yangi yilningiz  
 qutlug' bo'lsin!

1. ТАКВИМЛАР КАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

XXI асрда инсониятни нималар кутмоқда, унинг тақдирини нима баёни, деган саволлар кўпчиликни қизиқтириб келиб боради. Баъзи нашрларда баҳоратчиларнинг бир миңгилликдан иккинчисига ўтаётган пайтда инсоният «бонига тушаётган саводлар» эълон қилишмоқда.

Жуда қадим замонлардаёқ кишилар Ерда кун билан туннинг, фаслларнинг алмашинуви сабабларини билишга қизиққанлар. Самовий ҳодисаларни табиат ҳодисалари билан боғлашга уринганлар. Миллодан 4 миң йиллар илгари, қадимги мисрликлар осмондаги энг ёруғ юлдуз — Сотис (Сириус)нинг эрта тонгда, Кўёш шафақларидан бир оз олдин пайдо бўлишини Нил дарёсининг суви кўтарилиб, тошқин бошланиши билан мос тушганини аниқлаганлар.

Инсониятнинг кўп миң йиллик тарихи давомида турли хил таквимлар яратилган ва қўлланилган. Лекин, улар асосан уч турга бўлинади: кўёш, ой ва ой-кўёш таквимлари. Кўёш таквимларида вақтни аниқлашда ўлчов бирлиги қилиб тропик йил олинади. Ой календариди эса «вақт эталони» сифатида синодик ой, ой-кўёш календарларида йил ҳисоби ҳам тропик, ҳам синодик ой асосида олиб борилади.

ЎКИНГ, КИЗИК ҚУРИЛГАН «ҚАСР»ЛАР

Table with 12 columns for months and 2 rows of data.

бўлса, фаслларнинг алмашиши Ернинг Кўёш атрофидаги йиллик ҳаракати ва Ер айланishi ўқининг орбита текислигига оғмалиги туфайли рўй беради. Ернинг Кўёш атрофида ҳақиқий ҳаракати мисрликлар осмондаги энг ёруғ юлдуз — Сотис (Сириус)нинг эрта тонгда, Кўёш шафақларидан бир оз олдин пайдо бўлишини Нил дарёсининг суви кўтарилиб, тошқин бошланиши билан мос тушганини аниқлаганлар.

Кун билан туннинг алмашинуви сабаб, Ернинг ўзи атрофида айланиши Бугунги кунда дунёнинг

кўплаб мамлакатларида қўлланилаётган календарь — қадимги Рим тақвими асосланган. Эрамыздан аввалги VIII аср ўрталаридан бошлаб Римда 10 та ойдан иборат календарь ишлатилган. Календарь йили бошланадиган биринчи ой уруш худоси Марс шарафига «Мартиус» деб аталган. Иккинчи ой номи — Апрель «аперис» сўзидан келиб чиқиб, «уйғонмоқ», «очилоқ» деган маънони англатади.

Рим календаридида йилнинг бу давомийлиги Ой йилининг давомийлиги (354,4 кеча-кундуз) билан деярли мос тушар эди. Бу нарса тасодикий эмас эди, албатта. Чунки ҳар оининг биринчи куни осмонда янги Ой кўрилиши билан мос тушар эди.

Календарь йилининг тропик йилга нисбатан фарқ қилиши вақт ўтгани сари фаслларнинг табиат ҳодисалари билан мос тушмай қолишига олиб келди. Бунинг натижасида римликлар тақвими фаслларга мослаш учун календарга қўшимча ой — мерцедонийни киритишди. Юлий Цезардан кейин кунлар ҳисобини понтификлар олиб бордилар. Улар билибми-билмайми, кабиса йилларни тўртинчи йилда эмас, негадир учинчи йилда киритиб бордилар.

календарда йил узунлиги қилиб, Кўёшнинг баҳорги тенгқунлик нуқтасидан 2 марта кетма-кет ўтиши учун кетадиган давр — 365 кун 6 соат олинди (бу миқдор ўша пайтда аниқланган тропик йил узунлиги билан мос тушар эди).

Юлий Цезардан кейин кунлар ҳисобини понтификлар олиб бордилар. Улар билибми-билмайми, кабиса йилларни тўртинчи йилда эмас, негадир учинчи йилда киритиб бордилар.

Юлий Цезарнинг воисиси император Август ислоҳоти билан календардаги бу чалкашликларга барҳам берилди. Унинг фармонида бионон, эрамыздан аввалги 8 йилдан бошлаб, эрамыздан 8 йилга қирган ҳолда, кабиса йиллар олдий йиллар деб ҳисобланиб, йил 365 кундан бўлиб бўлди.

■ Собит ИЛЁСОВ, ЎзРФА Улугбек номидаги Астрономия институти директори ўринбосари, физика-математика фанлари номзоди

Йўқлов КЕКСАЛИҚДА ХОТИРА ШИРИН



Ҳаёт дарахтидан қушлар учмоқда. Бу сапирларни битган шоир кўнглидан нималар ўпди экан? Ҳаёт дарахтининг яланғоч танасига бош қўйиб сукунатни тинглагинг келади. Қалб топганларини, ўйқопганларини соғинч ва ўкинч билан қузатиб қолади.

— Бир аср умр кечирган онам Халача Қулибоевнинг сўнгги кунларидан ширин хотира бўлган бу сурат менга масқини ёки изтироб, билмайман, — леда биз билан суҳбатда Фаллаорол туманидаги «Олтин бош» ширкат ҳужалгада яшовчи отахон Ҳужакул Болтаев.

ёшида ҳам кўзлари туйран, руҳлари уйғоқ, овозлари уқтам эди. 75 ёшда ҳам 100 ёшли онамнинг олдига ёшлардек дадил ҳаракат қилардим. Афсуски, энди кексайиб қолганимни сеза бошладим. Онамнинг вафотидан бироз олдин, у киши билан суратга тушганим. Ва дариғ, чархи қажраётганининг ишини қарангки, онамга бу суратни кўриш насиб этмади.

— Сен фалон маҳаллада яшовчи фалон одамни танирмидинг? — Ҳа, танир эдим, эй Парвардигорим, — деб жавоб берибди фақир. Шунда Оллоҳ таоло: «Уша одамни танганинг боси сенга раҳматимни ёғдурурман», — леда.

БУЮК БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ

Тарихда ўтган буюк аждодларимиз хотирасини ёъозлаш, улар меросининг очилмаган қирраларини кашф этиш ва ўрганиш биз — авлодларнинг вазифасидир. Мана бир неча йилдирки, халқаро Амир Темури хайрия жағмармаси ўз олдига қўйган илмий, маърифий ишларни амалга ошириш мақсадида аънанавий анжуманлар ўтказиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ва жағмарга ҳамкорлигида ўтказилган маъмур анжуманда бир қатор таниқли олимлар ва тадқиқотчилар қатнашди.

■ Матназар ЭЛМУРДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҚАТРАЛАР СҮЯНЧИК

Дарахт қаригач, баҳор шамолига дош беролмай йиқилди. — Олдимда тўғаноқ бўлиб турувди, кутулдим-а, энди роса яйрайдиган бўлдим, — леда йиқилган дарахтнинг илдизидан ўсиб чиққан ниҳол.

■ Ғани АБДУЛЛАЕВ

ОМОНАТ УЯ

Мусича сўридаги индида ўтириволиб, айвон пештоқига ин кураётган қалдирғочга писанда қилди: — Ин куриш шунчалик азобми?! Узоқлардан эринмай битталаб лей ташийвериб озиб кетибсан-а.

■ Ғани АБДУЛЛАЕВ

СУРУРЛИ ЛАҲЗАЛАР



сўз устасио қизиқчилар, ичакузди кинокомедия юлдузлари, театр артистларио санъатимизнинг эндиғина буй кўрсатаётган ёш ниҳоллари жамулжам. Бир сўз билан айтганда, ёрқин юлдузлар ёғдусидан баҳраманд бўламиз. Ҳеч қутилмаган гаройиб ҳодисаларнинг «қабирони» бўп қолсангиз ҳам ёқа ушламанг.

■ Алишер РИСКИЕВ (ЎзА) олган суратлар

БИРДАМЛИК

Қозондаги масаллиғлар бир-бирига қулоқ солмай «жиг-би» қилишарди. — Ошнинг ширинлиги мен билан, — леда гуруч. — Йўқ, мен билан, — леда саби.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИ!

Минг шукрларким, кейинги миңйилликни ҳам ниҳоясига етказиб, мўтабар Йил Рамазон хайити ва Янги йилни қутиб олиш бахтига муяссар бўлиш арафасида турибмиз. Сизларни муқаддас Рамазон хайити ва кириб келётган Янги йил — Янги аср билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз.

■ Шариат Исломович ИСЛОМОВНИНГ вафот этганиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Advertisement for 'Халқимиз соғлиғи' (Our People's Health) featuring 'АПКАСУЛ' and 'ХАЛИЦИОНАТ' products.

Advertisement for 'Халқимиз соғлиғи' (Our People's Health) featuring 'АПКАСУЛ' and 'ХАЛИЦИОНАТ' products.

Advertisement for 'Халқимиз соғлиғи' (Our People's Health) featuring 'АПКАСУЛ' and 'ХАЛИЦИОНАТ' products.

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУЙОН ТАХРИР ХАЙЪАТИ Абдулла ОРИПОВ Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ Қозоқбой ЙУЛДОШЕВ Ислам ШОҒУЛОМОВ Нуроббо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари) Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана») Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози») Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сўбат ва ҳуқуқ — 133-44-55 Иқтисодиёт — 133-76-04 Маънавият — 133-07-20 Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16 Азборот — 133-12-56 Котибнат — 133-21-43 Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80 Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16; Бухорода — 23-51-40; Гулистонда — 25-03-80; Жиззахда — 3-29-44; Навоийда — 3-39-20; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 222-70-12; Самарқандда — 35-20-54; Тошкентда — 136-53-16; Урганчда — 226-51-35; Фарғонада — 26-46-84; Қаршида — 4-61-35; Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КҶАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи

Соҳибжон СААИМОВ Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Икромжон ИСМОИЛОВ «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Рўйхатдан ўттиш тартиби № 00004 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. «Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат тахрирнинг рухсати билан амалга оширилади. Г — 702 Топшириш вақти -- 21.00. Топширилади -- 23.00. 1 2 3 4 5 6 СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА